

Табиий газни шунингдек истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш

### ШАРТНОМАСИН

2022 йил 202 02 02/65 -сон Фаргона шаҳри  
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи

Исроҳон Раҳимов Шаймуродов  
Иброҳимов Шаймуродов  
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбар  
бир томондан Низомга асосан фаолият юритувчи "Худудгаз Фаргона" газ  
таъминоти филиали (газ таъминоти ташкилоти номи кейинги ўринларда "Етказиб  
берувчи" деб аталади), директор Д. Расмиев иккинчи томондан,  
қуйдагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг  
келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинги ўринларда газ деб  
аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу  
шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини  
олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз мўддатига амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига  
мувофиқ газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицикагга эга газ  
қурилмалари, шунингдек, газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда  
ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан  
фойдаланиш қондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга  
(ёки кўрсатиладиган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган экспортни  
тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол  
қилиниши тахмин қилинадиган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган  
газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилдан  
6059 куб.м, нархи 3998940 минг сўмни ташкил қилади, мувофиқ  
чораклар ва ойлار бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	6059	Минг	январь	—	февраль	4544	март	1515
II чорак	—	куб.м.	Минг	—	—	—	—	—
III чорак	—	куб.м.	Минг	—	—	—	—	—
IV чорак	—	куб.м.	Минг	—	—	—	—	—

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлик ҳажмда кўрсатиш учун  
магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда,  
Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Мақкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-  
сон қароридан кайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчиларга  
20 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми \_\_\_\_\_ минг куб  
метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагиларни ташкил қилади:

I чорак	—	Минг	январь	—	февраль	—	март	—
II чорак	—	куб.м.	Минг	—	—	—	—	—
III чорак	—	куб.м.	Минг	—	—	—	—	—
IV чорак	—	куб.м.	Минг	—	—	—	—	—

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим  
этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми  
ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ  
ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ  
ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи  
томонидан навобатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши  
бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай  
ҳолат ортқича олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

### II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада кайд этилган (1.4-банд) мўддатларда ва ҳажмларда  
ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнғун  
газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва  
1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолнинг суғналк меъёри  
доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб  
бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул  
қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали  
Истеъмолчинни хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона устуворлик технологияси жароғини ҳисобга олиб, табиий газни ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

### III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШҚИЛ ЭТИШИ

- 3.1.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.
- 3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.
- Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуктаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.
- 3.3. Бирлик микдори стандарт шартда 1 м<sup>3</sup> газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 ммHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шартда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.
- Газ микдори "Ўзстандарт" агентлигининг меърий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шартдаги автоматик равишда келтирилган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.
- 3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулк ҳисобланади.
- 3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси ташвиш тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ-АСКУТ) ларига уланиши лозим.
- 3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.
- 3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 "Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар", O'z DSt 8.031:2008 "Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.
- 3.8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар на қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.
- 3.9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қислов кўригидан ўтказилган сертификат ва ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг қислов кўриклари ва ёки метрологик аттестациясидан ўтиш лаврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.
- Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қислов кўригидан ўтказиши ва ёки ўлчов комплексларини (ва унинг

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш кискартирилишига қалар қаида 24 соат анвал бу хақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари булган мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол кискартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва таксимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавеумида ижтимоий соха объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромла табиий газ билан таъминлаш максалида Етказиб берувчи Истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни старли микдорда (3 ойлан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқилгига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ таксимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизиитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу хақида хабардор қилиши шарт.

таркибий қисмларини “Ўзстандарт” агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишни ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёслов кўриги/калибрирлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқаринг хתיёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёсловаш кўриги/калибрирлаш, торайириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқаринг хתיёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси қақиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газини ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва қарбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини алмаштириш, газини ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ хажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Урнатилган тамгаларни бутлигида Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг дўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DST 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гафритабий ҳолатлар юзага қелган тақдирда O'z DST 8.064-2017 бўйича газнинг микдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашинг ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қўйилган ҳолатда тамгаланамаган газдан фойдаланиш ҳисобининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобдан амалга оширилади.

а) газини ҳисобга олманган ҳолда газ истеъмолчи – газини ҳисоблаш прибори ва газини сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газини ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини ўлаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда – охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олинган жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш мулоқоти туғанида – киёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати туғанидан кундан киёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газини тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ГППларда асбоб-ускуналар ўрнатилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда таъши таъсир кўрсатган ҳолда таъбий газини истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – таъши таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кучини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортгк бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот охида маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журнналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун

ПХНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ПХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади;

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, шомбалазмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги ҳаглойдан ўтказиш даволатномаси тузилган кундан, ҳатлов даволатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марга бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ қўрилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ аниқомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантурувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг метёрн-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилмаган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "ўзгандарт" агентлиги бўлиналарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиқкандаёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графитини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

## IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан қамада 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан қамада 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга оширилмаган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибидан мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан қамада 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қалар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш охи тўлагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, анаис тарида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар жа келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги

хажмлардан ортқича олинган табиий газ қиймагига нисбатан 1,4 коэффициентини билан оширилган тўлов ҳисобланади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва содирини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти

носозлиги, чакмок, киска туташув ва ҳ.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол килинган табиий газ хажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги хажмлардан ортқич хажмларни таъкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг тўлов муддати ўтган қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда тўлов муддати ўтган қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориде, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фонидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ хажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТТХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олингандан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси ва электрон ҳисобоварак-фактура расмийлаштирилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш ҳаётрағиғача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг хажми дўғричилигидаги далолатноманинг мажбуурлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнаинг 7 кунидан кечиктирмастан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва

электрон ҳисобоварак-фактурани қабул қилиб олади. Имзолайди ва бир наҳсасини Етказиб берувчига жўнатади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбуурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш оyi тўтагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир наҳсасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзaro хал этиш имконияти бўлмаганда, келишимчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ хажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (наҳслар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда қучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

## V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ Фойдаланиш учун Жавобгарлик

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланмаган ва икки наҳсасида таъкилланган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмий-депозитланган даволатномага мувофиқ Истеъмолчилдан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилиб олинади.

5.3. Бунда мажбур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийمатининг ундирилиши Истеъмолчинни қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

## VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида куйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилуғига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакиллари газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олинган тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтьгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

-ҳисоблаш приборларига касдан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик килувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний улааниш ёки бошқа қонлабузарликлар ёхуд газни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган молдий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармоққа қайта уланишда амалдаги қонунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ТТХНАТ) дариға уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайдди.

## VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи куйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечирин;
- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;
- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини қамаида уч йил мобайнида ўзида сақлашни тавминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилуғига қадар табиий газ таъминотини қўшимча оғохлантқиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари молдий бойликларининг талон-тарож қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонулда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка мудат ичида алмаштириш;

Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга қўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартқириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондаларни ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш.

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашига носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қўлай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- 1-3 тармоқи бўлинини чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш закониятини берувчи газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ПЧХИЛТ-АСКУГ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатилш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш.

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхатирилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари будан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхатишини.  
Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда;
- г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда;
- д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари миқдоридан жазима қўлланади.

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларида мувофиқ бир томонлама воз кечини.

- газ тармоқларида авариянинг оқибати олин ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзига келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни оголантирмастан ҳамда эҳтиёт билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунинга қадар аввалдан оголантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

### 7.3. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ ҳужжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва "Ўзнефтьгазспекция" ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини қўннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқсинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;





12.3. Шартнома — йил 31 декабрдан бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати туганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет танкилотлари учун шартнома бир йилга тузилган, шартноманинг муддати туганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили " " йил 31 декабр санасига амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича дэволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

### ХШ. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Томонлар ўртасидаги барча келишмовчиликлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Томонлар ўзаро келишувга эришмаган тақдирда низо жавобгар жойлашган жойдаги тегишли суд томонидан ҳал қилинади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхала тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

### ХIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАЪНИЛИ

«ЕТКАЯНБ БЕРУВЧИ»	«ИСТЕЪМОЛЧИ»
«Худудлар Фарғона» газ таъминоти филиали	(бундан кейин «Истеъмолчи» деб аталган)
Почта Маъилли: Фарғона вилояти Фарғона шаҳри Б.Марғилоний кўчаси №76-уй Тел./факс: 73-229-04-13 х/р: <u>02634000505113960450</u>	Почта маъилли: _____ ОКПО _____ ОКОНХ _____ Мулоқот телефон: _____ Газ/х: _____ Банк номи: _____ МФО: _____ ИНН: _____ ш/х: _____ х/р: _____ (таъминотчи) _____
Банк номи: «Узсаоатқурилишбанк» Рақат филиали МФО: 00435 ИНН: 306 605 769 ОКЭД: 35220 Х/Р: _____	«Истеъмолчи» МФО: 00014 ИНН: 2012221 ОКОНХ: 22100 Мулоқот телефон: _____ Газ/х: _____ Банк номи: _____ МФО: _____ ИНН: _____ ш/х: _____ х/р: _____ (таъминотчи) _____
Раҳбар: _____ (Ф.И.Ш.) _____ Имлоши: _____ Мухр ўрни: _____	Раҳбар: _____ (Ф.И.Ш.) _____ Имлоши: _____ Мухр ўрни: _____

Юридик маслаҳатчи хулосаси: \_\_\_\_\_

(сана)

(имзо, муҳр)

2022 йил 20 апрель 02 куни  
02/65 -сон шартномани  
ИЛОРА

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари

### РЎЙХАТИ

Фаолият тури: Бизнесс  
Катастр №

Табиий газ тарифи: 660 сўм 00 тийин

№	Қорхона, участка, цех номи	Агрегатлар		Лойихавий газ сарфи, м.куб/соат	Газни ҳисобга олиш приборларининг турлари
		номи	сони		
1		<u>котёл 2</u> <u>УН-4</u>			<u>ИИМ.</u>

## ТАБИИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИ

№ 02/65

Келишилган:

Етказиб берувчи  
Раҳбар Шаймуратов  
Имзаси Шаймуратов  
(Ф.И.Ш.)  
Мухр урни

Истеъмолчи  
Раҳбар Шаймуратов  
Имзаси Шаймуратов  
(Ф.И.Ш.)  
Мухр урни



шаҳар